

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 974-ҳадис

974 - وَعَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَيْرُ الصَّحَابَةِ أَرْبَعُ مِئَةٍ، وَخَيْرُ الْجِيُوشِ أَرْبَعَةُ آلَافٍ، وَلَنْ يُعْلَمَ اثْنَا عَشَرَ أَلْفًا عَنْ قِلَّةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ وَالْتَّرمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسْنٌ [د 2611، ت 1555].

974. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ҳамроҳларнинг энг яхиси (камид) тўртта бўлишидир. Сарийяларнинг энг яхиси (камид) тўрт юз кишилигидир. Лашкарнинг энг яхиси (камид) тўрт минг кишилигидир. Ўн икки минглик лашкар озчилик бўлгани туфайли мағлуб бўлмайди».

Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Ёлғиз сафарга чиқиши хуш қаршиламаган Пайғамбаримиз с.а.в. сафарда гуруҳнинг тўрт кишидан тузилишини етарли деб ҳисобламоқдалар. Нима сабабдан тўрт киши лозимдир? Бу масала бўйича турлича изоҳлар билдирилган. И мом Фаззолийнинг изоҳи қисқача шундайдир. Сафарга чиққан инсон ёнидан ажрамайдиган бир шерикка муҳтождир. Гуруҳнинг эҳтиёжларини таъмин этиб турадиган бошқа бирига ҳам эҳтиёж бордир. Бу иккинчи инсон ишларини бажаришда яна бирига эҳтиёжи бўлади. Сафар пайтида ҳеч қандай вазиятда ёлғиз қолмаслик учун энг озида тўрт киши бўлиши керак. Ҳадисимизда тавсия қилинган рақамларнинг барчаси тўрт сонининг карралариdir. Тўрт юз, тўрт минг, ўн икки минг. Булар бир бинонинг тўрт устун орқали кўтарилиши каби ҳарбий қисмларда ҳам шундай тўртлик ва тўлақонли шакланиш зарурлигини кўрсатади. Ўн икки кишидан тузилган бир қўшиннинг мағлуб бўлиш сабаби қўшиннинг оз сонда эканлигидан эмас, балки аксинча кўп эканлигига ишониб, душман тарафни паст назар билан қарашлик каби бир талай нотӯғри йўллар сабабли бўлиши мумкин. Бу баёнда тажрибага боғлиқ бир тараф ҳам кўрилган. Билиниб турганидек, Ҳунайн ғазотида мусулмонларнинг қўшини ўн икки минг киши эди. Шу сабабли мусулмонлар кўплигига ишонишганди. Аллоҳ таоло бу хақиқатни бир оятда (Тавба сураси, 25-оят) қуидагича очиқлагандир. «Ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ сизни бир қанча

жойда, Хунайн ғазотида ҳам ёрдам берганди, У куни сиз кўплигингиз билан мақтанган эдингиз. Фақат сизга ҳеч қандай фойдаси ҳам бўлмаганди».

Баъзи бир ислом олимлари бу ҳадисни далил қаторида кўрсатиб, мусулмон қўшиннинг ўн икки минг бўлганида, қувватнинг озлиги туфайли-душманнинг сони қанча бўлишига қарамай уруш майдонида белгиланган жойдан кетмасликлари керак эканлигини айтишган.

Манба: hadis.islom.uz

